XALQ DEPUTATLARI PAXTAKOR TUMANI KENGASH
QARORI

2022 - yil 21 - fevral VI-35-55-3-52-K/22 Paxtakor tuman hokimligi

Халқ депутатлари Пахтакор тумани кенгашининг 2022 йил 8 январда “Пахтакор туманининг 2022 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги VI-32-2-3-52-К/22-сонли қарорига ўзгартириш киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимяти тўғрисида”ги Қонунининг 6- ва 24-моддалари, Бюджет кодексининг 99-моддаси, “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-742-сонли Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 24 январдаги № 06/04-02-02-32/203 сонли хати ва халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг 2022 йил 11 февралдаги VI-31-5-3-0-К/22-сонли қарорига мувофиқ, ҳалқ депутатлари Пахтакор тумани Кенгашининг 2022 йил 8 январда “Пахтакор туманининг 2022 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги VI-32-2-3-52-К/22-сонли қарорига асосан Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлақ миқдорда 1 гектар ер учун белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилган камйтирувчи ва оширувчи коэффициентлар ҳамда жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ташқари) мутлақ миқдорда 1 кв.м. учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни қайта кўриб чиқиб, халқ депутатлари Пахтакор тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари Пахтакор тумани Кенгашининг 2022 йил 8 январда “Пахтакор туманининг 2022 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш

тўғрисида”ги VI-32-2-3-52-К/22-сонли қарорининг қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлақ миқдорда 1 гектар ер учун белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар тўғрисидаги 8-иловаси 1-иловага мувофиқ, жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ташқари) мутлақ миқдорда 1 кв.м. учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар тўғрисидаги 9-иловаси 2 иловага мувофиқ ўзгартирилсин.

2. Мазкур қарор “Пахтакор хаёти” газетасида расмий эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

3. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

4. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари Пахтакор тумани Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси, туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Шодмонов, туман ҳокимлиги Молия бўлими мудири А.Мелибоев ҳамда туман Давлат Солиқ инспекцияси бошлиғи А.Эргашевлар зиммаларига юклатилсин.

Сессия раиси **Ш.Каримов**

Халқ депутатлари Пахтакор туман
Кенгашининг
2022 йил 21 февралдаги
VI-35-55-3-52-K/22-сон қарорига
1-илова

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлақ миқдорда 1 гектар ер учун белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар

Т/р	Ҳудуд номи	Коэффициент (0,5 дан 2 гача)	Ер солиғи ставкаси 2022 йил учун (минг.сўмда)
1	Боғишамол ҚФЙ	1,0	27 550,0
2	Буюк ипак йўли ҚФЙ	0,8	22 040,0
3	Дилором МФЙ	1,1	30 305,0
4	Дўстлик МФЙ	1,2	33 060,0
5	Мингчинор ҚФЙ	0,9	24 795,0
6	Нурли Пангат ҚФЙ	1,1	30 305,0
7	Олмазор ҚФЙ	1,0	27 550,0
	(Қозоқовул қишлоғи)	0,8	22 040,0
8	Олтинкўл МФЙ	1,1	30 305,0
9	Оқбулоқ ҚФЙ	1,0	27 550,0
	(Шоди қишлоқ)	0,8	22 040,0
10	Пахтакор ҚФЙ	1,1	30 305,0
	(Навруз қўрғони)	0,8	22 040,0
11	Самарқанд МФЙ	1,1	30 305,0
12	Сувонобод МФЙ	1,1	30 305,0
13	Тошкент МФЙ	1,1	30 305,0
14	Чаманзор ҚФЙ	1,0	27 550,0
15	Ғалаба МФЙ	1,0	27 550,0

Халқ депутатлари Пахтакор туман
Кенгашининг
2022 йил 21 февралдаги
VI-35-55-3-52-K/22-сон қарорига
2-илова

Жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ташқари) мутлақ миқдорда 1 кв.м. учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар

Т/р	Ҳудуд номи	Коэффициент (0,5 дан 2 гача)	Ер солиғи ставкаси 2022 йил учун (сўмда)
1	Боғишамол ҚФЙ	1,0	247
2	Буюк ипак йўли ҚФЙ	0,8	198
3	Дилором МФЙ	1,1	272
4	Дўстлик МФЙ	1,1	272
5	Мингчинор ҚФЙ	0,8	198
6	Нурли Пангат ҚФЙ	1,1	272
7	Олмазор ҚФЙ	1,0	247
	(Қозоқовул қишлоғи)	1,0	247
8	Олтинкўл МФЙ	1,1	272
9	Оқбулоқ ҚФЙ	1,0	247
	(Шоди қишлоқ)	1,0	247
10	Пахтакор ҚФЙ	1,0	247
	(Навруз қўрғони)	1,0	247
11	Самарқанд МФЙ	1,1	272
12	Сувонобод МФЙ	1,1	272
13	Тошкент МФЙ	1,1	272
14	Чаманзор ҚФЙ	0,9	222
15	Ғалаба МФЙ	1,1	272